

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР
ИНСТИТУТИ**

**ЗАМОНАВИЙ ФИЛОЛОГИЯ ВА
ЛИНГВОДИДАКТИКА МАСАЛАЛАРИ**
Илмий мақолалар тўплами
II ҚИСМ

САМАРҚАНД – 2014

ВЫСКАЗЫВАНИИ	102
Хабибова Ш. И. (СамДЧТИ) СИСТЕМНО-ИННОВАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В АМЕРИКАНСКОМ ВАРИАНТЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ ПОЛИСЕМИИ	104
Мурадова Н. (СамГИИЯ) ОСНОВЫ АНГЛИЙСКОГО ПЕРЕВОДА ИМЕННЫХ ФЕ В РУССКОЯЗЫЧНОЙ ВЕРСИИ ПОЭМЫ АЛИШЕРА НАВОИ “ФАРХАД И ШИРИН”.....	107
Abdiyeva B. (Samarkander Fremdsprachen Hochschule) DIE KONTEXTUELL – EXPLIZITE VARIATIONSMÖGLICHKEITEN DER PHRASEOLOGISCHEN EINHEIT (PHE) IN DER UMGANGSSPRACHLICHEN REDE	108
Галиуллова Э. (СамГИИЯ) СЕМАНТИКА АФФИКСОВ, ОБРАЗУЮЩИХ ОТЫМЕННЫЕ ГЛАГОЛЫ	112
Қаюмова Н.(СамДЧТИ) НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯЛАР ҲАҚИДА	114
Salimova B. (SamDCHTI) INGLIZ TILIDA HAYVON NOMLARI BILAN KELGAN FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING QO’LLANISHIGA DOIR	117
Жўракулов А. (СамДЧТИ) ТИЛШУНОСЛИКДА ҚЎШМА ГАП – ПЕРИОД – МАТН ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ	118
Khatamova Parvina (SamSIFL) TEACHING READING TEXTS IN TERMS OF SPECIALITY - IS A MEANS TO DEVELOP THE INTEREST OF STUDENTS TOWARDS LEARNING A FOREIGN LANGUAGE	122
Sanaqulov N. (SamDChTI) ONOMASIOLOGIK MUNOSABAT VA UNING SISTEM-NUTQ SHAROITIDA YUZAGA CHIQISHI (TEATR MAVZUSI MISOLIDA)	123
Қодиров Э. (СамДЧТИ) ÜBER ПРЕДЛОГИ ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТ ФУНКЦИЯСИДА	125
Кадиров Р. (СамГИИЯ) О СЕМАНТИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЕ ЗООЛЕКСЕМ ВО ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКЕ	127
Фалеева А.В. (СамГИИЯ) ЭМФАТИЧЕСКИЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ В АНГЛОЯЗЫЧНОЙ КОЛЛОКВИАЛИСТИКЕ	129
П.Хатамова (СамДЧТИ) ЧЕТ ТИЛЛАР БУЙИЧА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	132
Насырова Д.(СамГИИЯ) РАЗЛИЧИЯ В ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СЕМАНТИКУ НАИМЕНОВАНИЙ ВЕЩЕСТВ ЕСТЕСТВЕННОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ.....	133
С.Дагарова(СамДЧТИ) НЕМИС ТИЛИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ МАТН ДОИРАСИДА ҚЎЛЛАНИШИ.	135
Қаюмова Н. (СамДЧТИ) НЕМИС ТИЛИ ИЛОВАЛИ КОНСТРУКЦИЯСИДА АНИҚЛОВЧИНИНГ ЎРНИ	137
Ботирова Э. (СамДЧТИ) ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯЛАРИ	139
Зиядуллаев И.О. (СамГИИЯ) СТРУКТУРНЫЙ МИНИМУМ ПРЕДЛОЖЕНИЯ И СЕМАНТИКА ГЛАГОЛА (На материале немецкого языка)	140
Васильева В.(СамГИИЯ) К ХАРАКТЕРИСТИКЕ ФЕ <u>С КОМПОНЕНТОМ «ЗООНИМ» В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ</u>.....	142
Ботирова Э. (СамДЧТИ) ГЕРМАН ТИЛШУНОСЛИГИДА ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	145
Дагарова С. (СамДЧТИ) НЕМИС ТИЛИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯЛАРИ	147
Қодиров Э. (СамДЧТИ) ПРЕДЛОГЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНГАН ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ	148
Сапарова Г.Н.(СамГИИЯ) ҚЎШМА ГАПЛАР КОМПОНЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СИНТАКТИК ВА СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАР	150

1. *Jedenfalls hupt nachts das Auto vor dem Haus. Und hupt. Gegen zwei Uhr früh*
2. *“Und dann gleich mit Panzern! Und die vom Westen können rüberkommen. Es geht wieder mal nur gegen uns. Immer gegen die armen Leute”*
3. *“Ihr seht die gehorsamen Bürger von Tours, edle Herrin. Deren Zorn wider Englan reicht nicht über die Stadtmauer hinaus. Die bauern aber, die Heimatlosen auf den Sandstraßen und die armen in den Vorstädten entbrennen in einem anderen Zorn. Nicht so sehr gegen England, sondern gegen den Adlen Frankreichs und sogar gegen den König .*

1,2,3 ва 4 рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг коммуникатив функциялари ёрдамида асосий ифода таркибида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар конкретлаштирилади, реаллаштирилади ва тўлдирилади. Масалан 3-рақамли мисолда асосий ифода таркибидаги *gegen uns* компоненти томонидан билдириляётган маъно, *immer gegen die armen Leute* шаклидаги иловали элементларнинг маъноси билан янада конкретлаштирилади, яъни ғарбдан келяётган танклар бизга қарши қаратилганлиги ва бизлар кимлар эканлигимиз иловали элемент ёрдамида конкретлаштирилади, шу сабабли бизларга қарши қаратилганлиги - оддий камбағал кишиларга қаратилганлиги аниқланади. Худди шундай ҳолни 4-рақамли мисол намунасида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам мазмун жиҳатдан тасвирланаётган воқеа 3-рақамли мисолдаги воқеага ўхшаб кетади, фақат улар ўзларининг кенгайтирилган характериға эға бўлиши билан фарқ қилады.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Турсунов Б. Т., Сафаров Ш. С. Присоединение второстепенных членов предложения. Вестник КазГУ. Серия филологическая №27 -Алматы 2000. -С.90-91.
- 2.Турсунов Б. Т. Союзные присоединяемые элементы подлежащего. Проблемы билингвизма и интерференции. Материалы международной конференции. -Ташкент, 2001, С.119-122.
- 3.Duden Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. Л. 1962. -703 S.
- 4.Flegel W. Ein Katzensprung. Militärverlag, Berlin, 1976, - 251 S.
- 5.Paul H. Deutsche Grammatik. Vierter Band. VEB Max Niemeyer Verlag Halle (Salle), 1955. -425 S.

Сапарова Г.Н.(СамГИИЯ)

ҚЎШМА ГАПЛАР КОМПОНЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СИНТАКТИК ВА СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАР

Таъкидлаш жоизки, синтактик муносабатларни ифодалашнинг асосий йўллари тўрт хилдир. Булар – сўз шакллари, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби ва интонация (оҳанг).

Синтактик таҳлилда, аввало, сўзлар бирикувига эътибор берилади, кейин гап ва гап турларига диққат қаратилиб, шу гапнинг қурилиши ва бўлаклари таҳлил этилади.

Гапни ташкил этувчи асосий бўлақлар эға ва кесим бўлганлиги сабабли қўшма гапдаги синтактик компонентларнинг ҳар бирида предикативлик муносабати (эға, кесим муносабати) мавжуд. Немис тилидаги гаплар семантик, грамматик ва интонацион бутунликдан иборатдир, лекин уларнинг тизимидаги содда гаплар синтактик жиҳатдан бири иккинчисига тенг эмас.

Ғ.А. Абдурахмонов бу ҳақдаги фикрини қуйидагича ифодаляйди: “Гапда сўз шакллари ўртасидаги синтактик муносабатлар қуйидаги хусусиятларға эға бўлиши керак: – улар боғланган бўлиши, яъни ажралмайдиган; – иерархик, яъни бир сўз бошқа сўзға нисбатан ҳоким” [1:14].

А. Содиқов, А. Абдуазизов, М. Ирискулов “синтаксис” терминини икки хил маънода қўлляйди:

1. Тилнинг синтактик қурилиши маъносида.
2. Тилнинг синтактик қурилишини ўрганадиган грамматиканинг бир қисми маъносида.

Гарчи тилнинг синтактик қурилишини ўрганиш бой тарихға эға бўлса-да, аммо ҳозиргача синтаксиснинг предмети, унинг чегараси каби масалаларни талқин қилишда ягона фикрға келинганича йўқ. Баъзи тилшунослар синтаксиснинг предмети деб, фақат

гапни тан оладилар. Уларнинг фикрича, синтаксис, биринчи навбатда, тилнинг коммуникатив бирлиги – гапни, гапнинг турларини, уларнинг шакли ва мазмунини, гапни бўлакларга ажратиш масаласини ва синтактик воситаларни ўрганади.

А. Абдуазизов юқоридаги фикрга қўшимча қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Синтаксиснинг объекти бўлиб бир томондан сўз (лексика), ва сўзларнинг шакллари бўлса, иккинчи томондан оддий ва мураккаб гап бўлиб, синтаксисда улар ўртасидаги алоқа ўрганилади” [3:53].

Гапларнинг тузилиши ва семантикасини тадқиқ этишда уларни контекстдан ажратиб олмасдан ўрганиш лозимлигини Б.А. Абрамов алоҳида таъкидлайди: “Нутқда тугал (мукаммал) гаплар ўртасида чамбарчас семантик ва грамматик (синтактик) боғланиш мавжуд. Бу синтактик алоқаларнинг қандай усул ва турлари бор? Контекстдан ажралган гаплар мазмун жиҳатидан тўлиқ ва тугал эмас. Кейинги гапларда мазмун кенгайиб, давом этиб боради” [2:67].

М. Ирискулов С.Д. Канцельсон фикрига таяниб, синтаксисни катта ва кичик турларга бўлинишини кўрсатиб ўтади. Кичик синтаксис – сўз бирикмаси ва уларнинг турлари, гап ва уларнинг турлари, синтактик боғланиш воситалари, синтактик боғланиш турлари билан шуғулланади. Катта синтаксис – матн тузилиши ҳақидаги масалаларни камраб олади [5:11].

Немис олими У. Энгелнинг фикрича, ҳозирги немис тили синтаксиси хусусида сезиларли ўзгаришларни инкор этиб бўлмайди. Бу ўзгаришларни бири иккинчисига карама-қарши бўлмаган изоҳлар тасдиқлайди [7:10].

Гапларнинг синтактик таҳлили жараёнида, албатта, синтактик муносабатлар муаммосига дуч келамиз. Чунончи, Ш. Ашуров синтактик муносабат деганда гаплар орасидаги мантикий боғланиш муносабатларини тушунади. Унинг назарида, синтактик алоқа ва синтактик муносабат синоним тарзда тушунилмасдан, балки улар маълум даражада фарқланиши лозим, яъни синтактик алоқа сўз бирикмаси ва гапдаги сўзларнинг ҳамда нутқдаги гапларнинг ўзаро боғланишини билдирса, синтактик муносабат сўз бирикмаси ва гапдаги сўзларнинг ҳамда нутқдаги гапларнинг бир-бирига нисбатан қандай грамматик маъно ва функцияда қўлланишини билдиради [6:64-65].

Адабиётларда эргаш гапларни чизмалар ёрдамида шаклий таҳлил қилиш ҳолатларини кўп учратамиз. Бундай таҳлил усули гап учун ҳам қулай бўлиши мумкин. Бу каби синтактик таҳлилда гапнинг энг асосий иштирокчилари эга ва кесим ҳисобланади. Демак, гапнинг эгасини шартли равишда S, кесимини V, гапнинг иккинчи даражали бўлакларини X деб номлаймиз.

Er legt den Fünfzigmarkschein auf der Kasse sichtbar beiseite, bevor er dem Friseur auf dem blanken Teller das Silber hinzählt.

1. Er legt den Fünfzigmarkschein auf der Kasse sichtbar beiseite, / bevor er dem Friseur auf dem blanken Teller das Silber hinzählt (биринчи босқич).

Бу босқичда бевосита иштирокчи (БИ) унсурларни алоҳида гуруҳларга бўлиб чиқдик. Чунки ҳар қандай гап биринчи босқичда иккита синтагматик гуруҳга бўлинади. Қуйидаги босқичда эса бу икки гуруҳ таркибидаги БИ унсурларнинг ўзаро муносабатига қараб яна иккига бўлиш мумкин:

2. Er legt den Fünfzigmarkschein // auf der Kasse sichtbar beiseite, / bevor er dem Friseur auf dem blanken Teller // das Silber hinzählt (иккинчи босқич).

Қолган босқичларда ҳам шу тарзда гап таркибида бўлинмайдиган гап қолгунга қадар таҳлил давом эттирилади ва чизиклар сони биттага кўпайиб боради:

3. Er /// legt den Fünfzigmarkschein // auf der Kasse sichtbar beiseite, / bevor er dem Friseur /// auf dem blanken Teller // das Silber hinzählt (учинчи босқич).

4. Er /// legt /// den Fünfzigmarkschein // auf der Kasse sichtbar beiseite, / bevor er dem Friseur /// auf dem blanken Teller // das Silber /// hinzählt (тўртинчи босқич).

Демак, қўшма гап қисмларининг таркибидаги айрим гап бўлакларининг семантикаси, қисмларнинг шакли ва замон муносабати, гапларнинг таркибида айрим лексик элементларнинг мавжуд бўлиши, гап бўлаклари ва гапларнинг ўринлашиши қўшма гапни вужудга келтирувчи ва унинг қисмлари орасида маълум бир семантик

муносабатларни яратувчи асосий воситалар бўлади. Бу семантик-грамматик воситалар қўшма гапнинг турли типига турлича ўринга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1964. – 246 б.
2. Абрамов Б.А. О понятиях “предикатный актант” и носитель валентности на предикатный актант // Типология конструкций с предикатными актантами. – Л.: Наука, 1985. – 232 с.
3. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 53 б.
4. Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. – М.: Издательство литературы на иностранных языках, 1955. – 391 с.
5. Ирискулов М.А. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.
6. Ашуров Ш. Гапдаги элементар синтактик бирликларнинг таҳлили масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002– № 6. – 64-65 б.
7. Engel U. Deutsche Grammatik. – Heidelberg: Gross, 1996. – 888 S.